

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЎСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАҚҚУЛОВ ЖАХОНГИР МАРДОНОВИЧ

**ЭЛЕКТРОЛИЗ УСУЛИДА БИОМОЙИЛ ПОЛИМЕР
ҚОПЛАМАЛАРНИ ШАҚЛЛАНТИРИЛИШИ**

01.04.06-Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Физико-математика фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Отглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Хаккулов Жаҳонгир Мардонович Электролиз усулида биомойил полимер қошамаларни шакллантирилиши	3
Хаккулов Жаҳонгир Мардонович Формирование биосовместимых полимерных покрытий методом электролиза.....	19
Khakkulov Jakhongir Mardonovich Formation of biocompatible polymer coatings by electrolysis method	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	38

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАҚҚУЛОВ ЖАХОНГИР МАРДОНОВИЧ

**ЭЛЕКТРОЛИЗ УСУЛИДА БИМОЙИЛ ПОЛИМЕР
ҚОПЛАМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ**

01.04.06-Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манъуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.2.PHD/FM247 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетига бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Холмуминов Абдулфатто Ахатович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Илағамов Собит Яқубжанович
техника фанлари доктори, профессор

Нургалиев Илнар Накипович
физика-математика фанлари доктори

Етақчи ташкилот: Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019. К/ФМ/Т 36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» ~~Октябрь~~ соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (04 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 10 кунги тарқатилди.
(2021 йил «08» 10 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Рашидова
С.Ш. Рашидова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

Усмонова
М.М. Усмонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим.

Негматов
С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда биополимерларнинг электр майдондаги хусусиятларини ўрганишга, айниқса макроионлар сифатида электрокимёвий тикланиши асосида функционал – фаол қопламалар шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада турли шаклли ва рельефли электрод-имплантатлар юзасида маълум мақсадларга мўлжалланган биомойил сирт фаол полимер қопламалар олиниши, уларнинг структура ва хоссалари ҳамда амалиётда қўллаш имкониятларини аниқлаш полимерлар физикасининг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда сирт-фаол қопламаларни электролиз усулида, яъни турли шаклдаги электрод сиртида ионоген полимерларни (макроионлар) эритмалардан электрокимёвий тикланиши йўли билан олинишига катта эътибор берилмоқда. Бу борада, макроионлар тикланадиган электрод сифатида тиббиёт имплантатлари олинганда, шаклланган қопламаларнинг биомойил, биофаол ҳамда зарарсиз бўлиши ва шу мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратишга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маҳаллий полимерлар асосида сирт-фаол хоссага эга биомойил қопламаларни олиниши замонавий полимерлар физикаси ва материалшунослигининг истиқболли илмий тадқиқот йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада хусусий биофаол ионоген биополимерларни электрокимёвий тикланиши асосида имплантатлар сиртида биомойил композит қопламалар шакллантиришнинг электролиз усулининг имкониятларини аниқлаш катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бунда электролиз учун махсус кимёвий қайта ишлашни тақозо этмайдиган маҳаллий биополимерлардан хитозан ва фиброинни танланиши, электрокимёвий тикланиш жараёнини самарали бошқаришга йўналтирилган приципал илмий-амалий тадқиқот натижаларини олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 19 мартлаги ПҚ-5032-сонли «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муоммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида биополимерларни тиббиёт соҳасида қўллаш ва уларни амалиётда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган ишларнинг кўпчилиги асосан биополимер хитозанни антибактериал фаоллигини ўрганишга доир тадқиқодларга бағишланган. Ҳозирги вақтда шу соҳани илмий ривожлантиришга R. Muzzarelli, С.А. Шоминой, А.Н. Choi, Ch.Sh. Gao, ва бир қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган. Бу борада хитозан гидроксипатит биорезорбциясининг оширилиши, остеоинтеграцияни фаоллаштириш учун қўлланилиши, гидроксипатит-хитозан композити биомойилликка ва юқори антибактериал фаолликка эга эканлиги ва шу каби бошқа хоссаларини аниқлаш соҳасида R. Murugan, R. Ramakrishna, Н. Dong, О.М. Mugeiren, М.А. Baseer, R.R. Vaena, S. Rizzo, L. Manzo ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Республикамызда мазкур йўналишнинг ривожланишига С.Ш. Рашидова, А.А. Холмуминов ва бошқалар ўзларини изланишлари билан маҳаллий хитозан ва фиброин биополимерларининг молекуляр тавсифлари, биомойиллиги, биофаоллиги, бактерицидлиги каби муҳим хоссаларини намоён қилиш принциплари ва хусусиятларини кўрсатиб бериш билан ҳиссаларини қўшишган.

Ушбу изланишларга қадар биополимерлар, айниқса хитозан ва фиброин асосида электрод сиртида қопламалар ҳосил қилиш бўйича жиддий илмий наشرлар деярли мавжуд эмас эди. Мазкур ишда электролиз усулида титан пластинка ва тиш имплантатлари сиртида биополимерлар асосида биомойил биофаол композит қопламалар шакллантириш бўйича принципиал тадқиқотлар амалга оширилди, бундай қопламаларнинг олиниши стоматология ва ортопедия соҳасида биофаол қопламалар сифатида амалиётда қўлланилиши истиқболларини яратади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлар режасининг “КЎА -10-001 Биофаол қават қопловчи қурилма ва технологияларни такомиллаштириш” (2016-2017 йй); Ф-А-2018-033 “Табиий ипак ва пахта чиқиндиларидан нанотолали, наноговакли материаллар олишнинг электроспиннинг усулини такомиллаштириш” (2018-2020 йй) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электролиз усулида биомойил полимер қопламаларни металл сиртида шакллантиришнинг физик принциплари ва тавсифларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биополимерлар хитозан ва фиброиннинг молекуляр тавсифлари ҳамда полиэлектролит хоссаларини аниқлаш.

биополимерларнинг электр майдони таъсирида чуқиши ва пластинкада электрохимёвий тикланишини аниқлаш.

электролиз усулини биополимерларнинг электрохимёвий тикланиши асосида турли имплантатлар сиртида қопламалар шакллантириш учун такомиллаштириш.

имплантатлар сиртида қопламалар шакллантириш, структура ва хоссаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти - табиий ипак фиброин, хитозан *Bombyx mori* биополимерлари ва учкалций фосфат.

Тадқиқотнинг предмети. Электролиз усулида биомойил полимерлар асосида металл сиртида электрохимёвий тикланиши ва функционал фаол қопламалар шакллантириш принципларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар ўтказишда такомиллаштирилган электролиз усули ҳамда ультрамикроскопия, вискозиметрия, реометрия, электрон микроскопия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк маротаба макроионлар ва ионларнинг аралашмадан электрохимёвий тикланиш асосида қатламлар шакллантиришнинг принципиал имкониятлари ва оптимал шароитлари аниқланган;

илк маротаба хитозан ва фиброин макроионларининг электр майдонида силжиши, электрод сиртини қоплаши ва электрохимёвий тикланишини амалга оширишнинг физик параметрлари аниқланган;

илк маротаба биополимерларни электрохимёвий тикланишини самарали амалга ошириш ва назорат қилиш учун электролиз усули термик ва поляризацион-оптик назорат усуллари билан такомиллаштирилган;

маҳаллий ипак фиброини ва учкалций фосфат аралашмаси асосидаги биомойил қопламалар турли шаклли стоматологик титан имплантатлар юзасида шакллантирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

макроион ва ионларнинг металл электродлар юзасида электрохимёвий тикланиши, хусусан стоматологик ва ортопедик имплантатлар учун электролиз қурилмаси йиғилиб такомиллаштирилган;

қурилма воситасида титан пластинка ва тиш имплантатлари юзасида учкалций фосфат иштирокида хитозан ва ипак фиброини асосида биофаол қопламалар ҳосил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Стандарт жиҳозланган ва махсус йиғилган лаборатория илмий тадқиқот қурилмалари ҳамда

асбобларидан фойдаланилган. Ўлчашлар усулларнинг талаб этиладигини ишончлилик доирасида амалга оширилган, натижалар статистик қайти ишланган, жадваллар ва графиклар тузилган ҳамда киёсий таққослаш принципида муҳокама этилган. Олинган натижаларнинг тасдиғи сифатида республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, фиброини ва хитозан биополимерларининг полиэлектролит эритмаларини гидродинамик, реологик ва электрокимёвий тадқиқотлари асосида намуналарнинг молекуляр-массавий тавсифлари, окимдаги структуравий ва фазавий ўзгаришлари, электрокимёвий тикланиши, олинган қопламаларнинг структура ва хоссалари аниқланган. Электролиз қурилмаси такомиллаштирилган ва имплантатлар сиртида биополимерларни электрокимёвий тикланиши асосида биомойил, биофаол қопламалар шакллантиришнинг принципиал имкониятлари ва оптимал шароитлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фиброин ва учкальций фосфат аралашмасини электрокимёвий тикланиш принциплари турли "макроион-ион" тизимлардан функционал фаол қоплама композитларни ҳар хил рельефли электродлар, имплантатлар сиртида амалга оширишда ва технологияларини яратишда асос бўлиши билан изоҳланади. Ушбу натижалар бугунги кунда стоматология ва ортопедия соҳасида биофаол қопламали имплантатларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва импорт қилинадиган аналогларнинг ўрнини босиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электролиз усулида биомойил полимер қопламаларни шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фиброиннинг ионоген молекулаларини макроион сифатида электр майдонида ҳаракатланиш принциплари ва параметрлари А-4-13 рақамли "Электроспиннинг усулида фиброин, хитозан ва акрилонитрил сополимери асосида нанотолали нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги № 89-03-3245 сон маълумотномаси). Натижада электроспиннинг усулида юқори кучланишли электр майдони таъсири остида фиброин эритмасидан нанотолалар олиш имконини берган;

ипак толаларнинг физикавий хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари ОТ-Ф2-29 рақамли "Табиий толаларнинг физик хоссаларига ташқи факторларни таъсирини ўрганиш" мавзусидаги фундаментал лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги № 89-03-674 сон маълумотномаси). Натижада улар асосида намликни ўлчовчи электрон қурилма яшаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий илмий натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши асосланган. Мавзуси бўйича чет элдаги илмий тадқиқотларнинг қисқача маълумоти ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, диссертация тузилиши ва нашр қилинган илмий ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Полимер қопламалар олишда электролиз усулининг имкониятлари ва физик асослари”** номли биринчи бобда электролиз усулида махсус метал пластинкалар, турли шакли ва мақсадларга мўлжалланган имплантатлар кўринишидаги электродлар сиртида биополимер макроионлар ва ионларнинг тикланишига асосланган қоплама материаллар олишнинг электрохимик технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар нашр этилган замонавий адабиётлар таҳлил қилинган. Диссертация ишининг илмий тадқиқот вазифалари асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** номли иккинчи бобда илмий изланишлар олиб бориш ва уларни ташкил этиш учун зарур бўлган объектлар ва усуллар ҳақида асосий маълумотлар и тавсифлар берилган. Алоҳида эътибор хитозан ва фиброин биополимерларининг олиниши, эритмаларини тайёрланишига қаратилган, уларнинг молекуляр массавий тавсифларини аниқлашнинг гидродинамик (вискозиметрия) усули, ноньютон оқимини тадқиқот қилишнинг реологик усули, электр майдонида макроионларни силжиши, электрод сиртида электрохимик тикланиши ва қопламалар ҳосил қилишнинг электролиз усули ҳамда шакллантирилган қопламаларнинг структураси ва физик-химик хоссаларини тадқиқот қилиш принциплари баён этилган.

Диссертациянинг **“Биополимер макроионларнинг электр майдонида силжиши ва тикланиши”** номли учинчи бобда биополимерлар, жумладан,

хитозан ва фиброинни макроионлар сифатида электр майдони таъсирида эритмаларда силжиши ва электрокимёвий тикланиши хусусиятлари ҳамда унинг асосида микрокопламалар шакллантириш натижалари муҳокама қилинган. Биополимерларнинг молекуляр тавсифларини, полиэлектрولит эритмаларининг оқимида структуравий ва фазавий ўзгаришлари гидродинамик, реологик ва поляризация-оптик усулларда тадқиқот қилинган. Электролиз усулини имкониятлари ва уни макроионларни туз ионлари билан электрокимёвий тикланишини самарали амалга ошириш учун такомиллаштириш ҳамда копламаларнинг структуравий тавсифларини тадқиқот натижалари баён этилган.

Тадқиқотлар ўтказиш учун полидисперслиги 1,25 ва деацетилланиш даражаси 0,75 бўлган кукунсимон аморф *Bombux mori* хитозани (ХЗ) ҳамда ипак пилласини серицин ва ёғ-мумлардан ювиб ажратиб олинган фиброин (ФБ) толасини 50% CaCl₂ да эритиб, диализ қилиб чўктирилган ва куритилган кукунсимон аморф намунаси танланган. Намуналарнинг молекуляр тавсифларни аниқлаш суюлтирилган (C = 0,25 г/дл) эритмалари тайёрланган ва вискозиметрия усулида тадқиқотлар ўтказилган. Хитозанни 2% CH₃COOH да ва фиброинни HCOOH:H₂O (1:1) даги эритмалари суюлтириб борилганда (C → 0) Хаггинс $\eta_{\text{сол}}/C = [\eta] + k[\eta]^2C$ қонунидан оғиш, яъни полиэлектрولитларга хос концентрацион аномалия кузатилган. Бу эффект ушбу биополимерларни градиентли оқимда макроион сифатида намоён қилишини кўрсатган.

Аномал эффект хитозанни эритмаларини тайёрлаш орқали бартараф этилган. Ўлчашлар асосида ($\eta_{\text{сол}}/C$) ни C га боғланиш графиги тузилган ва C → 0 га экстраполяция қилиб тавсифли ковушоқлик $[\eta]$ миқдори топилган (1-жадвал). Марк-Кунн-Хаувинк тенгламаси ХЗ учун $M_n = ([\eta]/4,97 \cdot 10^{-5})^{1/0,77}$ ва ФБ учун $M_n = ([\eta]/1,23 \cdot 10^{-5})^{1/0,91}$ эканлигидан фойдаланиб молекуляр массалар (M_n) ҳисобланган.

1-жадвал.


Намуналарнинг молекуляр тавсифлари, ионогенлиги ва электрокимёвий эквиваленти

Намуна	$[\eta], \text{дл/г}$	M_n	M_o	N	Ионоген гуруҳи		Электрокимёвий эквиваленти, k, мг/Кл
					формуласи	сон	
ХЗ	2,0	130000	161	807	NH ₂	680	0,16
ФБ	1,2	295000	345	782	NH ₂	885	0,16
					COOH	885	0,46

Шунингдек, элементар звенолар массалари (M_o) ва сони (n), яъни полимерланиш даражаси (ПД) топилган. ХЗ элементар звеносида NH₂ - амин гуруҳи, ФБ элементар звеносида NH₂ ва COOH - карбоксил гуруҳ борлиги инobatга олиб, ХЗ да 680 та ва ФБ да 885 та амин ва 885 та карбоксил

гуруҳлар мавжудлиги аниқланган. Макромолекулада бунча ионоген гуруҳларни бўлиши, уни полиэлектролитда макроион деб қарашга асос бўлади.

Оқимда, яъни градиентли майдонда макроионларнинг силжишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар “конус-сирт” ячейкали реометр қурилмасида ўтказилди. Бунда Дебай критерияси $C[\eta] \leq 0,5$ бўйича ХЗ ни 2% $\text{CH}_3\text{COOH}:\text{H}_2\text{O}$ ва ФБ ни $\text{HCOOH}:\text{H}_2\text{O}$ (1:1) даги суюлтирилган, концентрацияси $C = 0,25$ г/дл бўлган эритмалари қўлланилди. 25 °С ва 50 °С да ўтказилган реологик тадқиқотлар натижалари 1 - расмда келтирилган. Силжиш тезлигининг (γ) силжиш кучланишига (σ) боғланиш графиги эгри чизиқли бўлиб, ноньютон оқимга хосдир. Унда ҳароратни ошиши билан эгри чизиқларни силжиш кучланишининг кичик миқдорлари соҳасига силжиши, силжиш тезлигини ошиши, яъни макроионларни миграциясини жадаллашиши кузатилган.



1-расм. Силжиш тезлигини (γ) силжиш кучланишига (σ) боғланиши

1- ХЗ + 2% $\text{CH}_3\text{COOH} : \text{H}_2\text{O}$ (25 °С) 1* - ХЗ + 2% $\text{CH}_3\text{COOH} : \text{H}_2\text{O}$ (50 °С)
 2* - ФБ + $\text{HCOOH} : \text{H}_2\text{O}$ (1:1) (25 °С) 2- ФБ + $\text{HCOOH} : \text{H}_2\text{O}$ (1:1) (50 °С)

Электр кучлари таъсирида суяқликдаги ионлар ва макроионларни кутблар (электродлар) томон силжиши, уларнинг мусбат ва манфий валентлигига (z_i), радиуслари (r_i) ўлчамига, заряди (q_i) ва зарядлар сонига (n_i), электр майдон кучланганлигига (E), ҳароратига (T) ва қовушоқлигига (η) боғлиқдир. Ионларни, шунингдек, макроионларни электр майдонида силжиш тезланиши электр кучининг ($F_{эл}$) ишқаланиш кучига ($F_{ишқ}$) тенглашгунича давом этади, яъни $F_{эл} \approx F_{ишқ}$. Ушбу кучлар қуйидагича ифодаланади:

$$\text{Электр кучи} \quad F_{эл} = z_i e E \quad (1)$$

$$\text{Стокс кучи} \quad F_{ишқ} = 6\pi\eta r_i u_i \quad (2)$$

бу ерда e – электрон заряди; η – мухит қовушоқлиги; u_i - ион ҳаракатланиши (силжиши) тезлиги.

$$\text{Бундан} \quad 6\pi\eta r_i u_i = z_i e E \quad (3)$$

Ушбу (3) тенгликни иккала томонини E/F га бўлсак ҳамда мусбат ва манфий зарядлар сони тенг бўлганда $E = I$ бўлишини инобатга олсак, унда u/E нисбат u , деб олинади. Натижада куйидаги ифода келиб чиқади:

$$6\pi\eta r_i(u, F) = z_i e F \quad (4)$$

бу ерда F – Фарадей сони; $u_i F$ – кўпайтма электр майдонида ионларнинг ҳаракатчанлигини, яъни силжишини (λ_i) ифодалайди:


$$\lambda_i = (z_i e F) / 6\pi\eta r_i \quad (5)$$

Ушбу (5) ифода ионларнинг силжишини (λ_i) муҳит қовушоқлиги (η) ва ионлар радиусига (r_i) тескари пропорционал эканлигини кўрсатади. Электр майдонида ионлар силжишида уларнинг радиусларини ўзгармаслигини инобатга олсак, унда ионларнинг силжиши қовушоқликни функциясига айланади.

Бунга биноан фиброин макроионларининг электр майдонида силжишини, яъни ҳаракатланиш тезлигини (u) ток кучи (I) ва эритманинг қовушоқлигига (η) боғлиқлиги (6) формуласи бўйича ҳисобланди ва таҳлил қилинди:

$$u_x = q / 6\pi\eta R_i \quad (6)$$

бу ерда $q = It$; R_i – макроион радиуси $\langle R^2 \rangle^{0.5} = 1/6 \langle h^2 \rangle^{1/2}$ ва унда $\langle h^2 \rangle = NA^2$ ифода асосида аниқланди. N – сегментлар сони, A – сегмент узунлиги, h – макромолекула учлари орасидаги масофа. Фиброин макроионлари учун $N = 10$, $A = 106$ нм деб олинди ва ҳисоблаш натижалари 4-расмда келтирилган.



2-расм. Турли қовушоқликли (□) эритмаларда фиброин макроионларининг ҳаракатланиш тезлигини (u) электр токига (I) боғлиқлиги: 1 – 30 Па.с; 2 – 17 Па.с; 3 – 10 Па.с.

Электр майдонида ток кучини ошиши макроионларнинг ҳаракатланишини тезлашишига ва аксинча қовушоқликнинг ошиб бориши макроионлар силжиш тезлигини чизикли тарзда пасайишига олиб келиши аниқланган. Бунинг асосида фиброин эритмасининг турли концентрацияларида макроионларнинг электр майдони таъсирида силжиши ва ҳаракатланиш тезлиги кўрсатиб берилган.


Хитозан ва фиброин полиэлектродлит эритмаларидан макроионларини ионлар сингари электрод сиртида электрохимёвий тикланиши Фарадейнинг электролиз қонунига ($m=kl$) биноан тадқиқот қилинган. Тикланиш электроди сифатида мис ва титан пластинкалар қўлланилди. Электролиз жараёнини оптимал шароитини аниқлаш бўйича тадқиқотлар электрохимёвий тикланишни ток кучининг $I = 4 - 8$ мА диапазонида самарали рўй бериши кўрсатган. Тадқиқотлар ўтказишда электродларнинг электролиздан олдинги (m_1) ва кейинги (m_2) массалари аналитик тарозиди $\pm 0,0001$ г аниқликда ўлчанган. Сунг улар орасидаги фарқлар $\Delta m = m_2 - m_1$ аниқланган. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Макроионларнинг электродлар сиртида тикланиш натижалари

Намуна	Мис пластинка -электрод			Титан пластика - электрод		
	1 мА	4 мА	8 мА	1 мА	4 мА	8 мА
ХЗ массаси, Δm , г	-	0,091	0,102	-	0,082	0,098
ФБ массаси, Δm , г	-	0,092	0,105	-	0,084	0,102

Электрохимёвий тикланиш жараёнига ҳароратни таъсирини ўрганиш ва электрод сиртида биополимер қоплама шаклланишини визуал кузатиш мақсадида электролиз қурилмаси ячейкаси термостат ва ультрамикроскоп билан такомиллаштирилган. Унинг принципал чизмаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Такимилаштирилган электролиз қурилмасининг принципал чизмаси

R – электролиз ячейкаси (шиша резервуар):

- 1 - термостатловчи қобик;
- 2, 2* - кварц шиша туйниқлар;
- 3 – магнитли аралаштиргич;
- 4 – полиэлектродлит эритма;
- 5 – оксидланиш электроди (графит);
- 6 – тикланиш электроди (титан, имплантат);
- 7 – аралаштигич таёқча;
- 8, 8* - термостатга уланиш найчаси;
- 9 – термометр.

Визуал кузатиш тизими:

- 11 – монохроматор;
- 12 – ультрамикроскоп.


Электр тизими:

- E – доимий ток манбаи;
- V – вольтметр;
- A – миллиамперметр.

Бунда ячейкадаги (R) полиэлектродлит эритмага (4) оксидлаш электроди графит таёқча (5) ва тикланиш метал электроди (6) параллел тарзда оралиғи 1 см этиб вертикаль жойлаштирилган. Ячейка қобигига (1) найчалар (8 ва 8*) орқали термостатловчи сув юбориб турилган ва эритманинг ҳарорати

термометр (9) ёрдамида назорат қилинган. Вертикаль тарзда эритмага тушган монокроматик нур (10) ёритган электрод сирти горизонталь тарзда ўрнатилган микроскоп (11) орқали кузатишган. Бу ультрамикроскоп принцида электрод сирти қалинлигини 10^{-7}м - 10^{-3}м диапазонидаги қопламалар ҳосил бўлишини тадқиқот қилиш имкониятини берган.

Ушбу такомиллаштирилган қурилмада дастлаб ХЗ нинг 2% CH_3COOH даги турли концентрацияли эритмалари ($C = 0,04 \div 0,5$ г/дл) учун, сўнг унинг учкальций фосфат (УКФ) тузи ионлари билан 1:10 нисбатдаги аралашмалари учун электрохимёвий тикланиш амалга оширилган. Ток кучининг $I = 2 \div 8$ мА диапазонидаги турли миқдорларида электролиз жараёнини $t = 1-16$ соат давомида ўтказилган ва қалинлиги 0,1–15 мкм бўлган қопламалар шакллантиришга эришилган. Эритмада ионлар ва макроионларни электрод томон силжишини жадаллаштириш ва электролиз жараёнини тезлаштириш учун тажрибалар $50\text{ }^\circ\text{C}$ да олиб борилган ва натижада электрохимёвий тикланиш жараёнини 2 бараборга тезлаштириш кузатишган.



4-расм. Титан пластинка сиртидаги қопламанинг ZIESS SEM тасвирлари: а - 24-спектр; б - 25-спектр; в - 26-спектр

Бундай натижалардан бири ток кучи 4 мА ва электролиз вақти 8 соат бўлганда, титан пластинка сиртида ХЗ макроионлари ва УКФ ионларининг

50 °C да электрохимий тикланиб ҳосил қилган қопламасининг ZEISS SIGMA SEM 500 тасвирлари 4-расмда келтирилган. Тавсирда, белгиланган 3 та тавсифли, яъни титан пластика (спектр 24), УКФ (спектр 25) ҳамда ХЗ ва УКФ аралашмасига (спектр 26) тегишли соҳалар AZtec дастури воситасида спектрал таҳлил қилинган. Натижалар 4, а, б, с – расмда нисбий импульс қувватининг (имп/сек/эВ) берилган қувват (эВ)га боғлиқлик спектрлари кўринишида тавсирланган. Бундай спектраль таҳлилий натижалар қопламада асосан хитозан ва учкальций фосфатнинг электрохимий тикланганлигини кўрсатади. Бундай кўрсаткичлар қопламада асосан хитозан ва учкальций фосфатнинг электрохимий тикланганлигини кўрсатади. Бу натижалар композицион қоплама шаклланганлиги тасдиқлайди, улар қоплама хитозаннинг биомойиллиги ва биофаоллиги ҳисобиға физик-химий ва биотиббий хоссаларни ярқин намён қилиши мумкин.


Шундай қилиб, такомиллаштирилган электролиз қурилмасида биомойил макроионлар ва ионларни биргаликда электрохимий тикланиши асосида композицион қопламалар шакллантириш имкониятларини кўрсатиб берилган.

Диссертацияни **“Макроион-ион аралашмасидан биомойил қопламалар шакллантирилиши”** номли тўртинчи бобида фиброин (ФБ) биополимери ва учкальций фосфат ($\text{Ca}_2(\text{PO}_4)_3$) тузини $\text{НСООН}:\text{Н}_2\text{O}(1:1)$ эритувчисида тайёрланган эритма ва аралашмаларидан макроионлар ва ионларни турли шакли ва рельефи электродлар (имплантатлар) сиртида электрохимий тикланиш хусусиятлари, композит микроқопламалар шакллантиришнинг оптимал шароитлари, структураси, морфологик ва физик-химий тавсифларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари муҳокама этилган.

ФБ - $\text{НСООН}:\text{Н}_2\text{O}(1:1)$ эритмасидан ($C = 0,25$ г/дл) макроионларни электрохимий тикланиш асосида микроқопламалар шакллантиришни 25–50 °C диапазолида амалга ошириш учун доимий ток кучи 2 – 8 мА интервалида бўлиши ҳамда электролиз жараёнини 0,5–10 соат давом эттириш кераклиги аниқланган. Ушбу эритмага учкальций фосфат қўшилганда компонентлар нисбатининг маълум бир диапазолида макроионлар ва ионларни биргаликда электрохимий тикланиши кузатишган.

Қоплама намунасини 50 °C ли $\text{ФБ}:\text{Ca}_2(\text{PO}_4)_3(1:10)$ аралашмасидан 4 мА ток кучи таъсирида 4 соат давомида шакллантирилиши ультрамикроскопик кузатишганда, электрод сиртини биополимер қатлами тўлиқ қоплашиға электролиз жараёнинг дастлабки 30 мин да амалга ошиши ва 60 мин дан кейин қоплама микро қалинликка эришиши аниқланган.

Қиёсий кузатулар $\text{ФБ}:\text{Ca}_2(\text{PO}_4)_3$ нисбати ≥ 10 да қоплама деярли бир хил текис ва нисбат $1 < 10$ бўлганда электрод сиртидаги қоплама таркиби кўпроқ туз ионларидан иборат қисмлар пайдо бўлишини кўрсатган. Бундай фарқларни титан пластинка сиртида $\text{ФБ}:\text{Ca}_2(\text{PO}_4)_3$ нисбати 1:10 ва 1:20 бўлганда яққол намён бўлишини ифодаловчи SEM тасвирлар 5-расмда келтирилган.



5-расм. Титан пластинка сиртдаги қопламаларнинг SEM тасвирлари:

а - ФБ:Ca₂(PO₄)₃ (1:10); б - ФБ:Ca₂(PO₄)₃ (1:20);

1 – титан пластинка – электрод; 2 – макронларни ионлар билан биргалликда тикланган қопламаси; 3 – қопламанинг нисбатан катта миқдорларда трикальций фосфат ионларининг тикланиши ташкил этган қисми

қопламалар таркибий элементлари 3-жадвалда келтирилган ва ушбу натижалар ZIESS (SEM) электрон микроскопик тасвирларни AZtec дастури


3-жадвал

ФБ ва Ca₂(PO₄)₃ асосидаги қопламанинг элемент таркиби

Элемент	ФБ:Ca ₂ (PO ₄) ₃ (1:10)	ФБ:Ca ₂ (PO ₄) ₃ (1:20)
	Қопламада элементлар миқдори, %	
C	11,12	4,25
O	36,44	33,59
N	6,22	2,35
P	8,04	12,71
Ca	15,85	25,52
Ti	21,58	21,58
Жами	100,00	100,00

воситасида спектрал таҳлили асосида аниқланган. Ушбу натижалар қопламада фиброин матрица ва учкальций ионлари тўлдирувчи сифатида иштирок этган ҳамда титан сиртида композит қоплама материал шаклланганлигини кўрсатган.


ФБ толалари HCl кислотасида гидролиз қилинганда 5 -10 мкм ли фиброин (ФБ_м) микрозаррачалар ҳосил бўлган. Микрозаррачаларни юқори даражада кристалл тузилишга эга бўлганлиги уларни электролизда қўлланадиган HCOOH:H₂O (1:1) эритувчида, ҳатто ҳарорат 50 °C бўлганда ҳам эримаслигини кўрсатган. Бу ҳолат HCOOH:H₂O (1:1) эритувчисида тайёрланган ФБ_м:Ca₂(PO₄)₃ (1≥15) суспензиясидан электролиз усулида микрозаррачали композит қоплама шакллантириш имконини берган. Бунинг моҳиятини аниқлаш мақсадида ФБ:Ca₂(PO₄)₃ (1≥15) эритмаси ва ФБ_м:Ca₂(PO₄)₃ (1≥15) суспензиясини қиёсий таққослаш тадқиқотлари ўтказилган. Бунда ток кучи 4 мА ва ҳарорат 50 °C ташкил этган ҳамда электролиз 4 соат давом этган. Ясси титан пластинкаси сиртида шаклланган композит қоплама SEM тасвирлари 6-расмда келтирилган.



6-расм. Композит қопламалар SEM тасвирлари:
 а -ФБ:Са₂(РО₄)₃ (1≥15); б –ФБ_{м3}:Са₂(РО₄)₃ (1≥15)

Бунда ҳар икки намунанинг морфологияси композитларга хос, аммо уларда фарқлар мавжуд. ФБ:Са₂(РО₄)₃ (1≥15) суспензиядан шакллантирилган композитда кулранг қисмлар ФБ га ва оқиш рангли қисмлар Са₂(РО₄)₃ га тегишли бўлиб, бундай фарқланиш макроионлар ва ионларни электр майдонидаги мобиллиги ва электрокимёвий тикланиши билан боғлиқдир. ФБ:Са₂(РО₄)₃ (1≥15) ни электрокимёвий тикланиши натижасида сиртда микрозаррачали композит шакллантириш имконини берган. Тажрибалар макроионлар ва ионларни электрокимёвий тикланишида электродларнинг сиртини рельефи, яъни микро- ва миллиметрли ўлчамли ғадир-будирликларни бўлиши муҳим роль ўйнашини кўрсатган. Чунки микроўлчамли ғадир-будирликлар электролиз туфайли қоплама шакллантирилишида тулиб силлиқланиши мумкин ва бунинг натижасида қоплама сиртга янада мустақкам боғланиб жойлашишини кўрсатган.

Шу мақсадларда электрод сифатида стоматолок ёки ортопедик “штифт” лар, яъни резбали имплантатлар қўлланса, резбалар оралари ва қирраларида қоплама қалинлиги, таркиби ва морфологияси турлича бўлиши мумкин. Бундай натижа резбали тиш имплантати сиртида ФБ:Са₂(РО₄)₃ (1:10) аралашмасидан биополимер қопламаларни 4 мА ток кучи таъсирида 40 °С ҳароратда 4 соат давомида шакллантиришда яққол намоён бўлиши кузатишган (7-расм).



7-расм. Биополимер қопламали резбали титан тиш имплантати сиртининг SEM тасвири

Сирти ФБ:Са₂(РО₄)₃ билан қопланган резбали имплантатларни гайкалар, резина ва пластикларга “шуруп” сифатида бураб киритилганда қопламани сақланиб қолиши кузатилди. ФБ:Са₂(РО₄)₃ таркибнинг биомойил,

биофаоллиги, у билан копланган резбали имплантатларни биомойил, биофаол материал сифатида стоматология ва ортопедия соҳасида қўллан имкониятини беради. Фиброиннинг молекуляр дисперс тизимини, яъни полимер эритмаларини тайёрлашда кенг қўлланадиган 2,5 М LiCl-ДМФА эритувчисида 50 °С да 5 соат ушлаб турилганда қопламада структуравий ўзгаришлар рўй бермаган. Шунингдек, Сокслет аппаратида 48 соат давомида сув ва этанол муҳитида қайнатилганда (80-100 °С) намунада физик ва физик-кимёвий ўзгаришлар деярли кузатилмаган. Намунанинг дастлабки массаси (m_0) ва ювилгандан кейинги массаси (m_1) ўртадаги фарқ $\Delta m = m_0 - m_1 = 0,00012$ г ташкил этган. Бу ҳолат қопламали имплантатни биомойил материал ёки восита сифатида амалий қўллашда, стерелизация қилишда жиддий муаммолар келтириб чиқармаслигини кўрсатади.

Қопламали имплантатга табиий экстремаль шароитнинг кескин таъсири аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Бундай тажрибалар қопламали имплантат намунани 1 ой давомида, июль ойида қуёш нури таъсири остида ушлаб туриш ва параллел тарзда яна шундай бир намунани музлаткичда 0 °С дан паст ҳароратда 1 ой давомида сақлаб туриш асосида ўтказилди. Шунингдек, қопламали имплантат намуналар хона шароитида 1 йилдан ортиқ муддатда ушлаб турилганда ҳам қопламада жиддий физик ўзгаришлар рўй бермаганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

«Электролиз усулида биомойил полимер қопламаларни шакллантирилиши» мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ипак фиброинни 2,5 М LiCl-ДМФА да ва хитозанни 2 % CH_3COOH даги полиэлектролит эритмаларининг гидродинамик, реологик ва потенциометрик тадқиқотлари ўтказилиб, молекуляр массалари ($M_{\text{ФБ}}=295000$, $M_{\text{ХЗ}}=130000$), оқим чегаравий кучланишлари ($\sigma_{\text{очк}})_{\text{ФБ}} = 20-30$ Па ва ($\sigma_{\text{очк}})_{\text{ХЗ}} = 10-15$ Па ҳамда ионоген гуруҳларининг электрокимёвий эквиваленти (амин $k = 0,62$ mg/Kl, карбоксил $k = 0,46$ mg/Kl) аниқланган.

2. Биополимерларнинг электрокимёвий тикланиши асосида имплантатлар сиртида биомойил қопламалар ҳосил қилиш учун электролиз қурилмаси термостат ва ультрамикроскоп билан такомиллаштирилган ҳамда турли қалинликда қопламалар шакллантириш жараёни назорат қилинган.

3. Такومиллаштирилган электролиз қурилмасида 50 °С да биополимер концентрацияси 0,04 – 0,5 г/дл диапазонда, ток кучини 2 – 8 мА интервалида ва электролиз вақтини 1 – 16 соат оралиғида амалга оширган ҳолда 0,5 - 15 мкм бўлган биомойил ва биофаол қопламалар шакллантириш имкониятлари кўрсатиб берилган ҳамда жараённинг оптимал параметрлари аниқланган.

4. Тадқиқотлар натижасида фиброин ва учкальций фосфат асосида резбали титан имплантатлар сиртида турли қалинликда биомойил қопламалар ва композит қопламалар шакллантирилган ҳамда турли муҳитлар ва ташқи физик-кимёвий таъсирлар остида ўзининг барқарорлигини сақлаб қолиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТИ ХИМИИ
И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАҚҚУЛОВ ЖАХОНГИР МАРДОНОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ БИОСОВМЕСТИМЫХ ПОЛИМЕРНЫХ
ПОКРЫТИЙ МЕТОДОМ ЭЛЕКТРОЛИЗА**

01.04.06 – Физика полимеров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/FM247

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Холмунинов Абдулфатто Ахатович
доктор физико-математических наук, профессор


Официальные оппоненты: Инагамов Собит Якубжанович
доктор технических наук, профессор
Нургалиев Илнар Накипович
доктор физико-математических наук

Ведущая организация: Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «22» окт 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36 01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Қадыри, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров зарегистрирован 24 номером). (Адрес: 100128, город Ташкент, улица Абдулла Қадыри, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «02» 10 2021 года.
(протокол рассылки № 9 «02» 10 2021 года).



[Signature]
Ш. Рашидова
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор, академик.

[Signature]
М.М. Усманова
Секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.ф.м.н., старший научный сотрудник

[Signature]
С.С. Негматов
Председатель научного семинара
при научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день особое внимание уделяется изучению поведения биополимеров в электрическом поле, особенно, формированию функционально-активных покрытий на основе электрохимического восстановления макроионов. В этом аспекте получение биосовместимых поверхностно-активных полимерных покрытий различного назначения на поверхности электрод-имплантатов различной формы и рельефа, определение их структуры и свойств, а также возможности практического применения являются актуальной задачей физики полимеров.

Настоящее время ведущих научных центров мира проводится научно-исследовательские работы, связанные с поверхностно-активных покрытий методом электролиза, т.е. путем электрохимического восстановления ионогенных полимеров на поверхности электродов различной формы. В этом очень важно получение биоактивных, биосовместимых и безопасных покрытий, когда выбираются медицинские имплантаты в качестве электрода восстановления макроионов.

В нашей страны особое внимание уделяется созданию эффективных механизмов практической реализации научных и инновационных достижений. В частности, получение биосовместимых покрытий с поверхностно-активными свойствами на основе местных полимеров является одним из перспективных научных направлений современной физики полимеров и материаловедения. Развитие научных исследований в стране, задачи реализации фундаментальных результатов на практике определены в «Стратегия действия» дальнейшего развития Республики Узбекистана. В этом аспекте большой научный и практический интерес представляет определение возможности формирования биосовместимого композиционного покрытия на основе электрохимического восстановления ионогенных биополимеров со собственной биоактивностью на поверхности имплантатов методом электролиза. При этом имеет важное значение выбор местных биополимеров хитозана и фиброина, не требующих специальные химические переработки для электролиза, определение принципиальных научно-практических результатов исследований для эффективного регулирования процесса электрохимического восстановления.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнения задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах устойчивого обеспечения высоко востребованным продукциям и сырьевым ресурсам отраслей экономики страны», №ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», №ПП-5032 от 19 марта 2021 года «О мерах по

повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено по направлению VII. «Химические технологии и нанотехнологии» развития науки и технологии Республики.

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира проводится интенсивные научные исследования по применению и практическому использованию биополимеров в области медицины. Множество опубликованных работ посвящено в основном исследованиям антибактериальной активности биополимера хитозана. В настоящее время для развития данной области большой вклад вносили научные школы R. Muzzarelli, С.А. Шоминой, А.Н. Choi, Ch.Sh. Gao и др. Следует особо подчеркнуть результатов исследований повышения гидроксиапатитной биорезорбции хитозана, применения его для активации остеоинтеграции, определения биосовместимости и высокой антибактериальной активности композита гидроксиапатит-хитозана, выявленных ведущими учеными R. Murugan, R. Ramakrishna, H. Dong, O.M. Mugeiren, M.A. Baseer, R.R. Baena, S. Rizzo, L. Manzo и др.

В нашей республике вносили определенный научный вклад для развития данного направления С.Ш. Рашидова, А.А. Холмуминов и другие, которые результатами своих исследований определяли молекулярные характеристики местных биополимеров хитозана и фиброина, их биосовместимости, биоактивности, бактерицидности и тому пободных важных свойств, их принципов и особенностей проявления.

До проведения данных исследований практически не были серьезных публикаций по формированию покрытий на поверхности электродов на основе биополимеров, особенно, хитозана и фиброина. В данной работе осуществлены принципиальные исследования методом электролиза по формированию биосовместимых биоактивных композиционных покрытий на основе биополимеров на поверхности титановых пластин и зубных имплантатов. Обоснованы перспективы получения данных покрытий в развитии областей стоматологии и ортопедии.

